



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 13 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 222 (12.533)

Баҳоси эркин нарҳда

«Ўзэкспомарказ»да
«Ўзбекистон
инфраструктураси –
Uzbekistan
Infrastructure 2013»
Халқаро Ўзбекистон
тармоқлараро
кўргазма лойиҳаси
доирасида бир йўла
учта – «Транспорт ва
Логистика –
TransUzbekistan 2013»,
«Автомобиллар,
бутловчи қисмлар,
сервис ускуналари –
Auto&Parts Uzbekistan
2013» ҳамда «Йўл
қурилиши ва
коммунал техника –
UzComak 2013»
халқаро
кўргазмалари очилди.



Сарвар Урмонов (ўра) олган суратлар

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР БОШЛАНДИ

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзавтйўл» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси кўмагида ташкил этилди.

Тадбирларнинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида автомобилсозлик, транспорт коммуникациялари, логистика ва қурилиш соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимиз ривожига муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Йўл ва транспорт коммуникациялари тизимидаги бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг жaxon бозорига фаол интеграциялашувига, ҳудудлар инфратузилмасини тубдан яхшилашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 22 апрелда қабул қилинган «2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрални реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2010 йил 21 декабрда имзоланган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадал-

лаштириш тўғрисида»ги Қарорлари бунда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Мамлакатимизда халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятта молик 42 минг 654 километр автомобиль йўллари мавжуд. Мустақиллик йилларида 1 минг 279 километр цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламали йўллар қурилди. 175 кўприк, 19 йўл ўтказғич қурилиб, реконструкция қилинди. Ўтган даврда Ўзбекистон миллий автомагистрални таркибига кирувчи 238 километр автомобиль йўли тўрт тасмалли йўللarga ўтказилди. Автомобиль йўлларининг тоғли ҳудудлардан ўтадиган қисмида бешта довон йўли бунёд этилди. Улар орасида денгиз сатҳидан 2 минг 268 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони алоҳида аҳамиятга эга.

Бу борадаги ишларда компания таркибидagi корхоналар, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларни сақлаш учун масъул идоралар, илмий-тадқиқот институти ва махсус қурилиш ташкилотлари фаолияти самарали бўлаётди.

«Uzbekistan Infrastructure — 2013» кўргазмасида Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Сингапур, Буюк Британия, Беларусь, Россия, Латвия, Литва, Украина, Чехия, Озарбойжон каби 15 мамлакатдан олтимдан зиёд фирма ва компания иштирок этмокда.

— Компаниямиз тупроқ қориштирадиган ва тош майдалайдиган ускуналар, бетон насослар, шарли тегирмонлар ишлаб чиқаради, — деди Хитойнинг «Haplu» компанияси бош директори Раймонд Ванг. — Махсулотларимиз Яқин Шарқ мамлакатлари, Германия, Нигерия, Россия, Самоа, Хиндистон каби дунёнинг ўттиздан зиёд мамлакатига экспорт қилинади. Ўзбекистонда йўлсозлик соҳасининг истиқболи порлок. Биз Ўзбекистон тадбиркорлари билан алоқаларни хар томонлама мустаҳкамлашдан манфаатдоримиз.

— Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил тараққий этмокда, — деди Жанубий Кореянинг «Sebang Global Battery» компанияси вакили Жастин Сон. — 1952 йилдан буён фаолият юритаётган компаниямиз юк ташувчи ва енгил автомобиллар, моторли қайиқлар, голфмобиллар, тягачлар, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, энергетика, саноат ва тиббиёт технологиялари учун турли хилдаги аккумулятор батареялари ишлаб чиқаради. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун яратилган кенг имконият ва имтиёзлар корейлик сармоядорларнинг ҳамкорликка иштиёқини тобора кучайтирмокда.

(Давоми 2-бетда)

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф
бўйрган Россия Федерацияси
Федерал Мажлиси
Федерацияси Кенгаши Раиси
Валентина Матвиенко
раҳбарлигидаги делегация
12 ноябрь кунини Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси
Сенатида музокара ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар кўплаб соҳалар қатори парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон — Россия муносабатлари иттифоқчилиқ ва стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланиб бормокда. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттиришга хизмат қилмокда.

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерацияси Кенгаши Раиси Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юсак самаралар бераётганини таъкидлади. Россия Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

Музокарада икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

12 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқдилар. Ушбу ҳужжат экологик назорат самарадорлигини ошириш, давлат муассасалари, фуқаролик институтларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, самарали экологик назоратни амалга оширишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа жамоатчилик ташкилотларининг ролини мустаҳкамлашга қаратилган.

Жорий йилнинг июль ойида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан кейин у кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарорига кўра қонун лойиҳаси «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этилди. Қонун лойиҳасини муҳокама этиш доирасида Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, манфаатдор идоралар, Экоҳаракат, Фуқаролик жамияти

шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, олимлар, амалиётчи мутахассислар, ОАВ вакиллари иштирокида ўнлаб анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, қонун лойиҳаси Чет эл экспертлари ҳам-жамиятининг (Япония, Германия, Италия, Франция, Бельгия) вакиллари иштирокида ҳам муҳокама этилди. Уларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари самарали иштирок этиши учун ноёб имконият яратяди. Қонун лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамаси чоғида бир неча минг тақлифлар, фикр-мулоҳазалар ва шарҳлар келиб тушди. Шундан энг асослилари ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлашда инобатга олинди.

Моддама-модда батафсил муҳокамадан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъул кўмитага ҳужжатни тайёрлаш ва уни Олий Мажлис Сенатига юборишни топшириб, қонун лойиҳасини қабул қилди.

тириш — жамоатчилик билан самарали ҳамкорликнинг муҳим омили» мавзусида республика семинар-тренинги ўтказилади.

✓ ЭРТАГА Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказиладиган

матбуот анжумани «Олий Аттестация комиссияси томонидан фан доктори илмий даражасини бериш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар: тажриба ва амалиёт» мавзусига бағишланади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланди. Бу галги сайловда Жиззах вилоятида 306 маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади.

● Урганч шаҳрида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг Хоразм вилояти босқичи ўтказилди. Тадбир доирасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг соғлиқни сақлаш, экология, аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳаларга бағишланган тақдиротлари ва ННТлар эришган ютуқлар акс этган кўргазма ташкил этилди.

● Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти хўжалик судининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Барча шароитларга эга уч қаватли замонавий бинонинг очилишига бағишланган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, фахрий ҳуқуқшунослар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Қарши шаҳрида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ижтимоий шериклигини ривожлантириш, ННТлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

ЖАҲОНДА

● Жанубий Африка Республикасида автобус ва юк машинасининг тўқнашиб кетиши оқибатида 29 киши ҳаётдан кўз юмди, ўн бир нафар одам тан жароҳати олди. Воқеа мамлакатнинг маъмурий маркази — Претория шаҳридан 100 километр узоқликда юз берган.

● Шимолий Америка ҳудудида тираннозаврларнинг олдин фанда маълум бўлмаган янги тури топилди. Унга «Lythronax argestes» номи берилган. Археологларнинг сўзларига қараганда, бу ноёб топилма ушбу турдаги ҳайвонлар ҳақида янги маълумотлар олиш имконини берди.

● Сентябрь ойида Италияда чакана савдо айланмаси 0,2 фоиз ўсди. Аммо ушбу даврда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 0,2 фоиз пасайган. Шунингдек, мамлакатнинг етакчи тармоқлари бўлган нефть махсулотлари ва кўмир ишлаб чиқаришда 16,3 фойдала қазилмаларни қазиб олишда 9,2 ва фармацевтика саноатида 12,5 фоизлик камайиш қайд этилган.

● Хиндистоннинг Жарканд штатидаги Нирса кўмир қонида фалокат юз берди. «Синьхуа» ахборот агентлиги хабарига қараганда, унинг чиқиш йўллари бекилиб қолиши оқибатида тўрт нафар ишчи ҳаётдан кўз юмган. Яна эллик нафар қончи ер остида қолиб кетган. Уларни қутқариш чоралари кўрилмокда.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ КЕЧА Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Оғоҳлик — давр талаби» мавзу-

ида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ ЭРТАГА «Пойтахт» бизнес марказида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаш-

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 41-модда)

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодининг билим олиши, куч ва иқтидорини тўла намойён қилиши, ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етиши йўлида барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, таълим ва спорт соҳалари навқирон авлод камолотининг муҳим омили сифатида изчил ривожлантирилмоқда. Бунинг самарасида, юртимизда танлаган соҳалари бўйича етук мутахассислар бўлиб катта ҳаётга дадил кириб келаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.



Бугунги кунда жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтарётган маҳоратли спортчилар, шу билан бирга, ёш авлодининг ҳар жиҳатдан соғлом камол топиши йўлида меҳнат қилаётган мураббий ва мутахассисларнинг ақсариёти замонавий олимпия заҳиралари коллежлари тарбияланувчиларидир.

Пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари коллежи мамлакатимиз спорт учун ана шундай мутахассис кадрларни етказиб бераётган етакчи ўқув мактабларидан. Аини пайтда бу даргоҳда 600 нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг 24 йўналиши бўйича ўз билимини оширмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида фарзандларимизни жисмонан ва маънавий баркамол инсонлар этиб ўлғайтиришдек эзгу мақсадлар мўжассам, — дейди мазкур коллеж директори Мурод Алиев. — Коллежимиз билими, тажриба ва малакаси билан Ватанимиз шон-шухратини юксалтиришга қодир етук спортчиларни вояга етказишга ҳизмат қилаётди.

Ўқувчиларга 23 нафар педагог-мураббий дарс беради. Спорт турлари бўйича 103 нафар мураббий машғулотларга жалб этилган. Мураббийларнинг йигирмага яқини Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган спорт устозларидир.

Ушбу таълим максадида барча вилоятдан келган ўғил-қизлар тахсил олади.

Жорий йилда коллежда иккита янги бўлим — от спорти ва таэквондо (WTF) йўналиши очилди. От спорти йўналиши бўйича таълим олаётган ёшларнинг назарий ва амалий машғулотларни тўлиқ ўташнинг таъминлаш мақсадида коллежда конкур майдони, отларни сақлаш ва парвартиш учун махсус отхона ҳам барпо этилди.

Аини пайтда яна иккита янги замонавий спорт иншооти — сунъий қопламали футбол майдони ва ёпиқ турдаги сузиш ҳавзасини қуриш, мавжуд спорт иншоотларини таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Коллежнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳар жиҳатдан қўлай шартлошларда спортчиларни пухта ўлаштиришга ёшлар мусобақаларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келаётган, 2011 йили Термиз шаҳрида ўтказилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт йўналишида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри терма жамоаси асосини Республика олимпия заҳиралари коллежи ўқувчилари ташкил этди. «Баркамол авлод — 2011»

йўнларининг футбол мусобақаларида ўз иқтидорини намойиш этган Жамшид Искандаров ва Игорь Сергеев каби истеъдодли ўқувчилар бугун футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларидир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилишда муҳим оим бўлаётди, — дейди юнон-рум кураши бўйича мураббий Олим Қурбонов. — Энг муҳими, ушбу тизим орқали ўғил-қизлар соғлом вояга етмоқда. Улар орасидан энг иқтидорлилари катта спортга йўналтирилмоқда. Кўп ҳолларда мураббийларимиз «Баркамол авлод» мусобақаларида ўз қобилиятини намойён этган спортчиларини саралаб, уларни коллежимизга ўқишга тақлиф этади.

Коллеж ўқувчилари жаҳон ва қитъа миқёсидаги мусобақаларда ҳам юқори ўринларни эгаллаб келаётгани мамлакатимизда олимпия заҳираларини тайёрлашга қаратилаётган юксак эътибор самараларидандир. Жорий йилда коллеж ўқувчиларидан боксчи Жавоҳир Каримов, юнон-рум курашчиси Илхом Бахромов, эшакка эшувчи Владислав Потафеев, қиличбоз Малика Ҳакимова ўсириллар ўртасида Осиё чемпионли унвонига сазовор бўлди.

Юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионатида Мирзобек Раҳматов, жаҳон биринчилигида Жавоҳир Мираҳмедов бронза медални қўлга киритди. Қиличбозлик йўналишида тахсил олаётган ўқувчилардан Темурабдувалиев қитъа чемпионатида учинчи ўринни эгаллади.

Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Майя Филиппова, Ольга Кирьякова, Марта Ростобурова шохсупага кўтарилди. Самарқандда ўтган байдарка ва канозда эшакка эшиш бўйича қитъа чемпионатида Рауф Фотиҳов иккинчи, Екатерина Гайнишев учинчи ўринни эгаллади.

Аини кунларда Бирлашган Араб Амириклариди давом этаётган 17 ёшгача ўсириллар ўртасидаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этаётган Осиё чемпионлари — Ўзбекистон ўсириллар терма жамоаси таркибда коллеж ўқувчиларидан олти нафари — Шохруҳ Раимов, Жамшид Болтабоев, Ойбек Эркинов, Исламбек Каримов, Равшан Хурсанов ва Жавоҳир Сиддиқов тўп сурмоқда.

Коллежда салмоқли натижаларни қўлга киритаётган спортчи-ўқувчиларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Жумладан, Темура Исмоилов,

Сабина Шарипова, Амина Мухаметшина, Раъно Низомова каби теннисчилар яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Учинчи босқич ўқувчиси Раъно Низомавани теннис муҳлислари яхши танийдилар. У мамлакатимиздан ташқари Малайзия ва Сингапурда ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлган.

Тўққиз йилдан буён теннис билан мунтазам шуғулланаётган бу истеъдодли қиз спорт машғулотларидан бўш вақтида чет тилларини ўрганади.

Хорижлик тенгдошларим, спортчилар билан ўзаро тажриба алмашиш, соҳадаги янгиликлардан бохабар бўлиб бориш учун чет тилларини билиш жуда зарур, — дейди Р.Низомова. — Хориждаги мусобақалар вақтида кўпчилик Ўзбекистон ёшларининг салоҳияти, мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор ҳақида сўрайди. Уларга юртимизда биз, ёшлар учун яратилган кенг шартлошлар ҳақида батафсил гапириб бераман. Бунда инглиз тилини билишим жуда қўл келади.

Умуман, бугунги кунда коллеж тарбияланувчиларига нафақат спортчи сифатида, балки истеъдодли мураббий сифатида ҳам талаб ортиб бормоқда. Жорий йилда коллежини 99 нафар йигит-қиз биттирди. Уларнинг 59 нафари олий ўқув юртиларига ўқишга кирди, қолганлари ўз мутахассислиги бўйича болалар ва ўсириллар спорт мактаблари, олимпия заҳиралари коллежлари, спорт клубларида иш бошлади.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» асаридида таъкидлаганидек, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишида маънавий тарбия масаласи бекиёс аҳамият касб этади. Республика олимпия заҳиралари коллежида ўқувчиларнинг маънавиятини юксалтириш, жамоат ишларидаги фаоллигини янада ошириш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, мамлакатимизнинг етакчи спортчилари, ёзувчи-шоирлар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар, маҳорат сабоқлари тез-тез ўтказилади.

Зеро, спортда муваффақият қозониш учун жисмоний тайёргарликнинг ўзи камлик қилади. Юксак ҷўқуқларни кўзлаган спортчи теран маънавият соҳибига бўлиши лозим. Шундагина у Ватанининг шон-шухратини улуғлаш, халқ ишончини оқлашдек олий бурчи билан аниқлаб, ҳар қандай вазиятда ҳам ғалаба учун кураша олади.

Республика олимпия заҳиралари коллежида ана шундай етук мутахассислар тайёрланмоқда.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Электрон ҳукумат» ўқув марказида «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш ва унинг самарали фаолият юритиши бўйича давлат органлари ходимлари учун ташкил этилган дастлабки ўқув курси очилди.

Қарор ва ижро

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш жамиятнинг иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилidir. Мамлакатимизда ахборот тизимлари ва «Электрон ҳукумат» тизими маълумотлар базаси, маълумотга ишлов бериш, идоралар ахборот тизимларини ўзаро интеграциялаштириш бўйича идоралараро марказни ташкил этишга доир изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада давлат хизматчиларини тайёрлаш ва билимини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

«Электрон ҳукумат» тизимини янада жорий қилиш, уни қўллашда иштирок этадиган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш мақсадида Президентимизнинг шу йил 27 июндаги Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан Тошкент ахборот технологиялари университети «Электрон ҳукумат» ўқув маркази ташкил қилинди.

«Электрон ҳукумат» тизимини жорий қилишга қўмаклашиш, уни қўллашда иштирок этадиган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш марказнинг асосий вазифаларидир.

Марказда бу борадаги ишлар доирасида давлат органлари ходимлари учун «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш ва унинг самарали фаолият юритиши масалалари бўйича ўқув курси ташкил қилинди. 68 вазирлик ва идора 850 нафардан ортиқ ходимининг билим ва қўнимасини оширишни сўраб ариза берган. Ўқув марказига малакали педагоглар, шунингдек, соҳа мутахассислари ва хорижий экспертлар жалб этилган. Жанубий корейлик мутахассислар томонидан «Электрон ҳукумат»ни жорий этиш бўйича махсус ўқув дастури ишлаб чиқилган.

Видеоконференция шаклида ўтказилган дастлабки семинарда 38 тингловчи қатнашди. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, бошқа шаҳарлардаги давлат бошқаруви органларининг 250 нафардан зиёд вакили масофадан туриб ўқитилди.

Семинарда «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш давлатнинг аҳоли ва ҳўжалик субъектлари билан ўзаро муносабатини янада мустаҳкамлаш, давлат томонидан фуқароларга тақдим этилаётган зарур ахборот ҳажминини кўпайтириш, турли маълумотлар базасининг очиклигини таъминлаш, давлат органларида электрон ҳўжат айланишини изчил ривожлантириш, бошқа муҳим инновацияларни татбиқ этиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Иштирокчиларга жамиятнинг ахборотлаштиришнинг долзарб масалалари ва «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишнинг аҳамияти тўғрисида маърузалар ўқилди. Ягона интерфаол давлат хизматлари портали — mu.gov.uz фаолияти ва хизматлари ҳақида батафсил ахборот берилди.

Роман БОНДАРЧУК

Мол-мулкни давлат даромадида ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги ижро ҳўжатларининг ижроси суд ижрочилари томонидан амалга оширилади.

Суд ижрочилари томонидан ушбу турдаги ҳўжатларини ижро қилишда, ишни Низом талаблари асосида ташкил қилиш учун бир қанча ваколатли органлар билан ҳамкорликда ишлаш талаб этилади.

Давлат даромадида ўтказиладиган мол-мулклар ўттиз кун муддат мобайнида сотилмаган тақдирда

суд ижрочиси томонидан Низом талаблари асосида тегишли ваколатли органлар, яъни суд ижрочиси, молия ва солиқ органлари вакиллари иштирокида мол-мулк қийматини 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда арзонлаштириши мумкин.

Мол-мулкни давлат даромадида ўтказиш ҳақидаги ижро ҳўжати мусодара қилиниши белгиланган мол-мулклар сотилиб, сотувдан тушган пул маблағлари тегишли тартибда суд ижрочиси томонидан тақсимланиб, давлат бюджетига, мол-мулкни олиб қўйган органга ҳамда суд ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг тегишли ҳисоб рақамларига ўтказиб берилганда бу иш якунига етади.

Ўктам ХУРРАМОВ,
Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Учтепа туман Суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги «Республика иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 300-сонли Қарорининг 10-бандига мувофиқ, «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК маълум қилади — 2013 йил 1 декабрдан:

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган юридик шахсларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш, иссиқлик энергияси учун белгиланган тариф (нарс)нинг икки баробар миқдори қўлланилиб амалга оширилади (кўп хонадонли уйларда жойлашган юридик шахслар бундан истисно).

АҲОЛИ УЧУН:

Иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган аҳолига етказиб берилган иссиқ сув учун тўлов нархлари иссиқ сув таъминоти хизматларига қўйилган тарифларнинг 1,5 га оширилган коэффицентини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Рўйхатда турувчи фуқаролари бўлмаган ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилмаган турар жой хоналарида иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳисоб-ки-тоблар, истеъмоли қилиш меъёрлари бўйича, иссиқ сув таъминоти хизматларига қўйилган тарифларнинг 1,5 га оширилган коэффицентини қўллаган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

- бир хоналик ва икки хоналик хонадонларда — бир киши учун;
- уч хоналик хонадонларда — икки киши учун;
- тўрт хоналик хонадонларда — уч киши учун;
- беш хоналик хонадонларда — тўрт киши учун.

Эслатиб ўтамизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 178-сонли Қарорининг 7-бандига мувофиқ, уй-жой мулкдорлари ва ижарага олувчилари:

- коммунал хизматларга олдиндан амалга оширилган тўловлар учун, мазкур даврда тегишли тариф (нарс)лар ошган тақдирда, қўшимча ҳақ тўлашдан озод қилинади.

Афғон уруши ногиронлари Республика хайрия жамғармаси номига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил, 24 августда берилган №431 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларига кўра, республикамиз ҳудудига оқонуннинг йўллар билан олиб келинган товар моддий бойликлари ваколатли органларнинг қарорларига асосан давлат даромадида ўтказилади ёки белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат даромадида ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги Низом республика қонунларида мувофиқ давлат даромадида ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш ва сотиш, шунингдек, уни йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомга асосан мол-мулкни олиб қўйиш ваколатли орган мансабдор шахси томонидан қуйидаги тартибда ва асосларда амалга оширилади. Қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда дастлаб мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан баённома тузилади ҳамда мазкур далолатномага асосан олиб қўйилган мол-мулкларни бир сутка муддатда сақлаш учун жойлаштириш масаласини ҳал қилади. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмоли, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқлилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек, уни баҳолаш мақсадида ман-

сабдор шахс уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса — бир сутка мобайнида эксперт ва баҳоловчилар тайинлайди ҳамда эксперт ва баҳоловчилар томонидан олиб қўйил-

ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

ган мол-мулкларнинг баҳоси аниқланади.

Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги материаллар қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда муҳдатларда мол-мулкни давлат даромадида ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган тегишли судга ёки бошқа ваколатли органга берилади.

Мол-мулкни давлат даромадида ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган суд ёки бошқа ваколатли орган ўзи чиқарган тегишли қарор кучга киргандан сўнг кейинги кундан кечиктирмай ижро ҳўжатида ижро этиш учун тегишли Суд департаментининг туман (шаҳар) бўлимига юборади.

